

Дунё касабачилик ҳаракатига мурожаатим шундай: бирдам, жасур ва қатъий бўлинг. Олдимиздаги йўл осон эмас, лекин биз биргаликда исталган тўсиқларни енгиб ўтиб, меҳнат дунёсини яхшилай оламиз! 2-3 ▷



Бизни жиддий синовлар кутмоқда: геосиёсий кескинлик, иқлим муаммолари кучайган, сунъий интеллект ҳамда янги технологияларнинг жаҳон меҳнат бозорига таъсири тобора ортиб боряпти. Шунга қарамай, касаба уюшмалари ушбу ўзгаришларга мослаша олишига ва бутун дунёда меҳнаткашлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги етакчи ролини сақлаб қолишига ишонаман. 3 ▷

YURT TARAQQIYOTI YO'LIDA BIRLASHAYLIK!

2025-yil
15-fevral
shanba
№21
(5085)

# Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

## Куннинг муҳим воқеаси

# ЁШЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ

**14 февраль куни Кўксарой қароргоҳида Президент Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимиз ёшлари билан мулоқоти бўлиб ўтди.**

Турли ҳудудлардаги олий таълим муассасалари ва нодавлат ўқув марказлари, корхона ва фермер хўжаликлари вакиллари, ёш олим ва спортчиларнинг фикр-мулоҳазалари тингланди, таклифлари кўриб чиқилди.

– Сизлар билан маслаҳат ва мулоқотни ўз фаолиятимизда асосий мезонлардан бири, деб биламиз. Сизлар ҳам бундай юксак ишончга муносиб бўлиб, жонажон Ватанимизни ҳар томонлама ривожланган, гўзал ва фаровон мамлакатга, Учинчи Ренессанс диёрига айлантиришда олдинги сафларда бўласиз, деб ишонаман, – деди Президентимиз мулоқот давомида.

# ПРОАКТИВ ПЕНСИЯ

**Ўзбекистонда пенсияни аризасиз – автоматик тарзда тайинлаш тизимига ўтилмоқда**

Маълумотларга кўра, мазкур ўзгаришлар туфайли йилига ўртача 250 минг нафар фуқаронинг Пенсия жамғармаси ва давлат хизматлари марказларига мурожаат қилишига ҳожат қолмайди, бу эса вақт ва маблағни тежаш имконини беради.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси 13 февралдаги йиғилишида «Проактив пенсия тайинлаш тизимига ўтиш тўғрисида»ги қонунни биринчи ўқишда қабул қилди.

Парламент қуйи палатаси матбуот хизматининг хабар беришича, ушбу қонун лойиҳаси билан «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонунга пенсия олиш ёшига тўлган (эркаклар 60 ёш, аёллар 55 ёш) фуқароларга ёшга доир пенсияни уларнинг алоҳида мурожаатини талаб этмаган ҳолда проактив шаклда тайинлаш тартибини белгилашга оид ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Ҳозир фуқаролар пенсия олиш учун ариза бериши ва тўловларга бўлган ҳуқуқларини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этиши керак. Эндиликда бу жараён тегишли вазирлик ва идоралар ўртасида ахборот алмашинуви доирасида автоматлаштирилади.

Қайд этиш жоизки, давлатимиз раҳбарининг 2023 йил 31 октябрдаги тегишли қарорига мувофиқ, 2025 йил 1 мартдан пенсия тайинлашнинг профаол шаклини ишга тушириш режалаштирилган. Шунингдек, 1 мартгача фуқароларга пенсия тайинланиши ёки пенсия миқдорига таъсир қилувчи қўшимча ҳужжатларни тақдим этиш юзасидан фуқаронинг мобил алоқа воситасига SMS-хабар юбориш тартиби жорий этилади.





# ФАОЛИЯТДАГИ МУҲИМ НИЗОМ

**Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 10 февралдаги 72-сонли қарори билан Юридик шахс мақомига эга бўлмаган касаба уюшмаларининг бўлинмаларини ва бошланғич касаба уюшмалари ташкилотларини ҳисобга қўйиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.**

## ҲУЖЖАТДА ҚУЙИДАГИЛАР ҚАЙД ЭТИЛГАН:

– юридик шахс мақомига эга бўлмаган касаба уюшмалари филиаллари ва бошланғич касаба уюшма ташкилотларини ҳисобга олишда инсон омилини чеклаш;





– юридик шахс мақомига эга бўлмаган касаба уюшмалари филиаллари ва бошланғич касаба уюшма ташкилотларини рўйхатдан ўтказишда QR-кодли маълумотномалар бериш;

– касаба уюшмалари филиаллари ва бошланғич касаба уюшма ташкилотлари реестрини юритиш.



Ҳужжатга кўра, филиал ва бошланғич ташкилотни рўйхатдан ўтказиш бўйича давлат хизматлари марказлари, нодавлат нотижорат ташкилотларининг электрон платформаси ва ЯИДХП орқали кўрсатилади.

Филиал ёки бошланғич ташкилотни рўйхатдан ўтказиш учун тўлов ундирилмайди.

Филиал ёки бошланғич ташкилотни рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги сўров рўйхатдан ўтказувчи органга келиб тушган кундан бошлаб 10 иш куни ичида кўриб чиқилиши керак.

Сўровни кўриб чиқиш натижаларига кўра рўйхатдан ўтказувчи орган рўйхатдан ўтказиш ёки рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Рўйхатдан ўтказувчи орган рўйхатдан ўтказилган филиаллар ва бошланғич ташкилотлар реестрини юритади.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинган ва 2025 йил 11 февралдан кучга кирган.




## мурожаатчи масаланинг мантиқий ечимини кутмоқда

Ишдан ҳориб қайтган Дилдора «Ювиниб-тараниб олсам, енгил тортаман, кейин овқатга уннасам бўлади», деб ўйлаб, жўмракни буради. Сув йўқ. Эрталаб ишга отланаётганида ҳам шу аҳвол эди. «Сувтаъминот» туман бўлимидагилар «Сувни белгиланган тартибда, маълум соатларда беряпмиз» дейишади. Аммо айнан ўша кўрсатилган муддатларда ҳам сув бўлмайди.

Дилдора Норматова Ховос туманининг «Гулбаҳор» маҳалласидаги кўпқаватли уйда туради. II гуруҳ ногирони. Кун бўйи ишда бўлади. Сув таъминотидаги узилишлар ҳақида туман бўлимига қайта-қайта мурожаатлари бесамар кетгач, 1211 рақамли «Ишонч телефони»га қўнғироқ қилишга мажбур бўлди.

– Ичимлик сув таъминотидаги узилишлар бор гап, – дейди муҳандис Анвар Олимов, – «Ховос city»да «600»лик тармоқ ёрилди. Уни бартараф этиш учун бир неча кун вақт сарфланди. Бу пайтда аҳолига транспорт ёрдамида сув етказиб беришга тўғри келди. Бу биргина ҳолат эмас. Ўтган йил декабрь ойининг ўзида сув тармоғидаги ана шундай турли ҳолатлар тўғрисида аҳолидан 11 та мурожаат келиб тушган. Улар бўйича далолатномалар тузилиб, муаммо ҳал этилган.

Ўз-ўзидан ичимлик сув таъминотидаги бундай узилишларнинг асл сабаби нимада, деган савол пайдо бўлади. 2011 йили Жаҳон банки ажратган катта миқдордаги кредит ҳисобига Ховос тумани маҳаллаларида ичимлик сув таъминотини яхшилаш бўйича лойиҳа қилинади. Уни амалга оширишни бир нечта масъулияти чекланган жамият ўз зиммаларига олади. Иш бошланиб кетади-ю, бироқ охирига етказилмайди. Тортилган тармоқлар умуман талабга жавоб бермаслиги, сифатсизлиги, ажратилган маблағлар ўзлаштирилгани маълум бўлади. Айни пайтда ўз ишларига масъулиятсизлик билан ёндашганлар қонун олдида жавоб бермоқдалар. Уларнинг қўл учида қилган ишларининг жабрини аҳоли тортяпти. «Сувтаъминот»нинг Ховос тумани бўлими 28 та маҳалладан 26 тасига хизмат кўрсатади. «Соҳибкор» ва «Қайирма» маҳаллаларига эса сув транспорт ёрдамида етказиб берилади.

Мурожаатчига ҳолат «Сувтаъминот» туман бўлими томонидан ёзма ёки оғзаки тарзда тушунтирилмаган, аксинча мурожаатни қонунчилик доирасида кўриб чиқиш учун ўзларига жўнатилган хатга Д.Норматова номидан «ҳамма муаммолар бартараф этилгани» ҳақидаги сохта хатни илова қилиб, жавоб беришган. Аҳвол эса ҳамон ўша-ўша. Мурожаатчи мутасаддилар томонидан масаланинг мантиқли ечимини кутмоқда.

**Баҳор ХОЛБЕКОВА**
*«ISHONCH»*

# ЕТАКЧИ нега НАЗАРДАН қолади?

**Муқобилликка асосланган ҳисобот-сайловлар жараёнига қизғин киришилди. Танлов қаршисида иккиланишлар, тавсия этилган номзодларга ишончсизлик билдирилиши табиий бир ҳолат сифатида қабул қилинмоқда. Жамоанинг кейинги беш йиллик руҳияти айнан бугун сайланаётган етакчини ташкилотчилигига ҳар жиҳатдан боғлиқ бўлади. Кўр ҳассасини бир марта йўқотади, деганларидек, аввалги муддатда қўл учида иш юритганлардан, вазифасини етарлича бажармаганлардан воз кечилаётгани ҳам бор гап.**



Жорий йилнинг февраль ойида Самарқанд вилоятидаги 1437 та цех ва бошланғич касаба уюшма ташкилотида ҳисобот-сайлов йиғилишлари ўтказилиши режалаштирилган. Шу чоққача салкам 400 га яқин жамоада бу муҳим жараён амалга оширилди. 1600 нафарга яқин меҳнаткашлар вакиллари иштирок этган йиғилиш ва конференцияларда касаба уюшмалари фаолиятига муносиб баҳо берилди.

– Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Бош кенгаши қарорига биноан ҳисобот-сайловлар демократик тамойилларга асосланган ҳолда ташкил этилаётир. Меҳнаткашлар ўз етакчилари ҳисоботини эшитиб, муқобиллик асосида сайлаш имкониятидан фойдаланишмоқда, – дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Самарқанд вилояти кенгаши раиси ўринбосари Акбар Абдусаидов. – Бошланғич ташкилот етакчилиги лавозим эмас, балки масъулиятдир. Бу юкни чин дилдан қабул қилмаган киши одамлар кўнглига йўл тополмайди. Жамоатчи вакил маъмурият ва ходимлар ўртасида посанги вазифасини ўташи, ҳар доим меҳнаткаш тарафида тура билиши керак. Сайловларда бевосита ана шундай кўнгиллиларга кенг имкониятлар берилаётгани кишини қувонтиради.

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси тизимидаги 243 та бошланғич ташкилотда етакчиликка 600 нафарга яқин номзодлар кўрсатилди. Бўлиб ўтган сайловларда амалдаги 205 нафар раисга ишонч билдирилди. Ўтган беш йил мобайнида касаба уюшмани бошқарган бошланғич ташкилотлар раисларидан 38 нафари етарлича овоз ололмагани боис, ўз вазифасини топширди. Тўғри, улар орасида саломатлиги ва бошқа важ туфайли кетганлари ҳам бор. Аммо меҳнат жамоаларидан сайланган делегатлар собиқ раисларининг камчилигини юзига рўй-рост айтиб хайрлашган ҳолатлар ҳам йўқ эмас.

– Жамоа таклифи билан мактаб касаба уюшмаси раислигига сайландим, – дейди Булунғур туманидаги 9-мактаб ўқитувчиси Ойбек Ёқубов. – Зиммамга катта масъулият юклатилганини ҳис қиляпман. Бутун имкониятимни бу вазифа ижросига қаратишни ният қилдим. Ахир салкам етмишдан ортиқ кишининг ишончи менга тинчлик бермаслиги аниқ.

Касаба уюшмалари вилоят кенгаши қошида ташкил этилган штаб ишчи гуруҳи таҳлилий-танқидий мулоҳазаларни мувофиқлаштириш, истиқболда режалаштирилган 4161 та бошланғич ташкилотда бўлиб ўтадиган ҳисобот-сайлов йиғилишлари вақтида ўтказилишини таъминлашга бошқош бўляпти.

**Нурилла ШАМСИЕВ**
*«ISHONCH»*

Ухлаган одамни уйғотиш мумкин, аммо ўзини ухлаганликка солиб олган одамни уйғотиб бўлмайди

Махатма Ганди









# Люк ТРИАНГЛ: БИЗ БИРГАЛИКДА МЕҲНАТ ЯХШИЛАЙ

**Халқаро касаба уюшмалари конфедерацияси (ХКУК) бош котиби Люк Триангл «ACTRAV INFO» журналига берган интервьюсида касаба уюшмалари ҳаракатини 2025 йилда кутиб турган муаммолар ва истиқболлар хусусида сўз юритди. Шунингдек, июнь ойида бўладиган Халқаро меҳнат конференцияси ҳамда ноябрь ойида ўтказиладиган Жаҳон ижтимоий ривожланиш саммитидан нималар кутилаётганини баён қилди.**

**– 2024 йилда халқаро касаба уюшмалари ҳаракатининг асосий ютуқлари нималардан иборат бўлди?**

– Бу даврда ХКУК бутун диққат-эътиборини демократияни ҳимоя қилиш, тенглик учун кураш, яшаш минимумини таъминлаш, иқлим бўйича чора-тадбирлар ҳамда касаба уюшмалари ташкилотини ривожлантириш каби асосий йўналишларга қаратди.

Касаба уюшмалари энг йирик ижтимоий ҳаракат ўлароқ, бутун дунёда демократия ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилади. Биз касаба уюшмалари жиддий таҳдидларга дуч келган давлатларда демократик ҳаракатларни қўллаб-қувватладик. Халқаро компаниялар орқали жамоатчилик эътиборини демократик институтларни заифлаштирувчи кучлардан келаётган хавф-хатарларга қаратдик ва меҳнаткашларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ҳимоя қилишдаги қатъий позициямизга содиқ қолдик.

Муҳим вазифаларимиздан яна бири – тенглик ва инклюзивликни илгари сурдик. Дискриминацияга қарши кураш олиб бордик, шу билан бирга, ёшлар, туб аҳоли, муҳожирлар ва парвариш соҳасида ишловчи ходимлар каби заиф гуруҳлар манфаатларини ҳисобга оладиган сиёсатни ишлаб чиқдик. Ўз навбатида, жойларда ҳимояга муҳтож меҳнаткашлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва кенгайтиришга муносиб ҳисса қўшаётган касаба уюшмаларини қўллаб-қувватлашда давом этдик. Иш ҳақи оширилиши борасида ҳам сезиларли муваффақиятларга эришдик.

2024 йил февралида яшаш учун энг кам иш ҳақи миқдорини белгилаш бўйича тарихий уч томонлама битим имзоланди. Ушбу ҳужжат ҳукуматларга минимал иш ҳақини муносиб турмуш даражасини таъминлайдиган миқдорга етказиш мажбуриятини юклаш билан бир қаторда, уларни ижтимоий мулоқот ва жамоавий музокараларни кучайтиришга ундайди. Халқаро Меҳнат Ташкилоти (ХМТ) бу борада давлатларга техник ёрдамни кучайтириш мажбуриятини ўз зиммасига олди.

Шундан сўнг бир неча йирик трансмиллий корпорациялар ва халқаро бизнес-ассоциациялар ҳам ўз ходимлари маошларини яшаш учун муносиб даражага етказиш ҳаракатига тушдилар. Бироқ ушбу мажбуриятлар ҳукуматлар ва иш берувчиларнинг амалий ҳаракатлари билан қўллаб-қувватланиши керак. Ҳозир 660 миллион нафардан ортиқ инсон, яъни ҳар бешинчи ишчи ҳалол меҳнат қилса ҳам, камбағалликда яшамоқда.

Кўплаб қийинчиликларга қарамай, 2024 йилда касаба уюшмалари иқлим ташаббуслари ва адолатли ўтиш бўйича мажбуриятларни илгари суришда фаол қатнашдилар. Озарбайжонда бўлиб ўтган СОР–29 конференциясида Адолатли ўтиш дастурини молиялаштириш етарли эмаслиги ҳамда четга сурилиши боис ҳафсаламиз пир бўлди. Аммо ХКУК меҳнаткашлар муаммолари ва манфаатлари юқори даражада тамсил этилишига муваффақ бўлди. Биз 80 дан ортиқ касаба уюшмалари вакилларидан иборат делегацияни ташкил этдик. Бразилия раислик қилиши арафасида СОРнинг кейинги саммитида бўлиб ўтадиган муҳим музокараларда меҳнаткашлар иштирокини янада кучайтириш ва адолатли ўтиш ғоясини янада фаол тарғиб қилишни давом эттириш умидидамиз.

Бундан ташқари, 2024 йил касаба уюшмалари қудратини мустаҳкамлаш ва ташкилотчилик салоҳиятини кенгайтириш учун муваффақиятли йил бўлди. Демократия таҳдид остида бўлган минтақаларда ҳам янги ижтимоий шартнома доирасида адолатли иш ҳақи, ижтимоий ҳимоя ва жамоавий музокаралар устувор аҳамиятга эга бўлди. ХКУК норасмий ва платформали иқтисодиётда ишловчи ходимларни меҳнаткашлар ҳаракатига жалб қилиш ташаббусларини ҳам қўллаб-қувватлади. Бирдамлик ва жамоавий ҳаракатлар ижтимоий адолатга эришиш ва барча учун муносиб меҳнат шароитларини таъминлашда энг самарали восита бўлиб қолмоқда.

**2024 ЙИЛ ФЕВРАЛИДА ЯШАШ УЧУН ЭНГ КАМ ИШ ҲАҚИ МИҚДОРИНИ БЕЛГИЛАШ БЎЙИЧА ТАРИХИЙ УЧ ТОМОНЛАМА БИТИМ ИМЗОЛАНДИ. УШБУ ҲУЖЖАТ ҲУКУМАТЛАРГА МИНИМАЛ ИШ ҲАҚИНИ МУНОСИБ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ТАЪМИНЛАЙДИГАН МИҚДОРГА ЕТКАЗИШ МАЖБУРИЯТИНИ ЮКЛАШ БИЛАН БИР ҚАТОРДА, УЛАРНИ ИЖТИМОИЙ МУЛОҚОТ ВА ЖАМОАВИЙ МУЗОКАРАЛАРНИ КУЧАЙТИРИШГА УНДАЙДИ. ХАЛҚАРО МЕҲНАТ ТАШКИЛОТИ (ХМТ) БУ БОРАДА ДАВЛАТЛАРГА ТЕХНИК ЁРДАМНИ КУЧАЙТИРИШ МАЖБУРИЯТИНИ ЎЗ ЗИММАСИГА ОЛДИ.**

2024 йилдаги яна бир муҳим ютуқ халқаро солиқ ҳамкорлигини мустаҳкамлаш бўлди. Касаба уюшмаларининг йиллар давомидаги саъй-ҳаракатлари натижасида БМТ Бош Ассамблеяси БМТнинг Солиқлар бўйича Ҳадли конвенциясини ишлаб чиқиш стратегиясини тасдиқлади. Ушбу ташаббус солиқ бошқаруви механизмларини яхшилаш, трансмиллий корпорациялар ҳамда бой шахсларни адолатли солиққа тортиш учун хизмат қилади. Бундай чора-тадбирлар туфайли ривожланаётган мамлакатлар камбағалликка қарши курашиш, муносиб иш ўринлари яратиш, тенгсизликни камайтириш ва меҳнаткашлар ҳаёт шароитларини яхшилаш учун қўшимча молиявий манбаларга эга бўладилар.

ХКУК томонидан таклиф этилган Янги ижтимоий шартнома талаблари G20 давлатлари етакчилари қабул қилган қарорларда ўз аксини топди. Ўтган йили улар камбағаллик ва тенгсизликка қарши курашиш, муносиб меҳнатни мустаҳкамлаш, ижтимоий ҳимояни кенгайтириш, меҳнат хавфсизлиги ва гигиенасини таъминлаш, шунингдек, халқаро солиқ сиёсатини мувофиқлаштиришни яхшилаш бўйича мажбуриятларни ўз зиммаларига олдилар.

**– 2025 йил июнида бўлиб ўтадиган Халқаро меҳнат конференциясида норасмий иқтисодиёт, платформали иқтисодиёт ва биологик хавф-хатарлар бўйича стандартлар ўрнатиш ҳамда Стандартларни қўллаш қўмитаси иши асосий мавзулардан бўлади. Сиз ушбу муҳокамалардан нималарни кутяпсиз?**

– Бу йилги Халқаро меҳнат конференцияси меҳнат соҳасидаги қатор кескин муаммоларни ҳал қилиш учун муҳим имкониятдир. Норасмий иқтисодиёт ва биологик хавф-хатарлар ҳамда платформали иқтисодиёт учун стандартлар ўрнатиш муҳим бўлса-да, конференцияда асосий мавзу Стандартларни қўллаш қўмитаси (CAS) фаолияти билан боғлиқ. Бу орган ХМТ назорат тизимининг тамал тоши бўлиб, меҳнаткашлар ҳуқуқларининг жиддий бузилишларини кўриб чиқиш учун муҳим платформани тақдим этади. Қўмита касаба уюшмаларига ўз ишларини тақдим қилиш ва халқаро ҳуқуқий механизм доирасида ечимлар излаш имконини беради.

Стандартларни ўрнатиш масаласида биологик хавф-хатарлар бўйича Конвенция ва Тавсиялар қабул қилиниши жуда муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирги кунда бу мавзуда тайёр матн лойиҳаси мавжуд бўлиб, у ХМКнинг охирги конференциясида ишлаб чиқилган. Ҳозир касаба уюшмалари дунё бўйлаб ишчилар ҳаёти ва соғлиғини ҳимоялаш учун кучли халқаро стандарт қабул қилинишини талаб қилмоқда. Агар Конвенция қабул қилинса, бу иш жойларида биологик хавф-хатарларни тартибга солувчи биринчи глобал ҳуқуқий ҳужжатга айланади. Биз меҳнат муҳофазаси ва соғлиқни сақлаш (OSH) меҳнат соҳасидаги асосий ҳуқуқ сифатида тан олинаётганини олқишлаймиз.

Шунингдек, меҳнат бозоридаги норасмийликка қарши курашда жиддий ўсишга эришишни мақсад қилганмиз. Бу табиий жараён эмас, балки меҳнатни тартибга солишнинг заифлиги, ходимларни эксплуатация қилиш ва меҳнат ҳимоя тизими ишламаслиги натижасида юзага келган муаммодир. Бугунги кунда жаҳон ишчи кучининг 58 фоизи норасмий иқтисодиётда банд. Бу ишчиларни расмий секторга ўтказиш учун ХМТнинг 204-рақамли Тавсиясини амалга оширишни жадаллаштириш лозим. Муаммонинг гендер ва миграция билан боғлиқ жиҳатларини ҳисобга олсак, касаба уюшмалари норасмий ишчилар манфаатларини ҳимоялаш ва ташкил этишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Уларнинг тажрибаси конференция муҳокамалари учун асос бўлиб хизмат қилиши ва иқтисодиётни расмийлаштириш бўйича мажбуриятларни мустаҳкамлаши керак. Бу норасмийлик янада ошиб кетиши олдини олиш учун зарур.

Бу ишлар платформали иқтисодиётни тартибга солиш масаласи билан бевосита боғлиқ. Кўп йиллик курашдан сўнг, ниҳоят, аниқ чоралар кўриш керак бўлган ҳал қилувчи нуқтага етдик. ХМТ меҳнат товар эмас деган тамойилга амал қилади. Аммо платформалардаги алгоритмик бошқарув ходимларни инсоний қадр-қимматдан маҳрум қилиб, уларни фақат фойда олиш ресурсига айлантирмоқда. Бу усул гипертенгсизликка асосланган бўлиб, одамларни фақат тирикчилик сабаб беқарор меҳнат шароитларига рози бўлишга мажбур қилмоқда. Конференция платформалар ишчиларига барча меҳнаткашлар каби ҳуқуқ ва ҳимояни кафолатловчи мажбурий стандартларни ишлаб чиқиши керак.

**– ХКУК 2025 йилда касаба уюшмалари учун асосий муаммо ва имкониятлар нималардан иборат бўлади, деб ҳисоблайди?**

– Касаба уюшмалари ва демократия – ўзаро чамбарчас боғлиқ. Бири иккинчисисиз мавжуд бўла олмайди. Бироқ бугун биз ижтимоий адо-

# Оламда БУГУН...

**АҚШ президенти Дональд Трамп ҳамда Россия раҳбари Владимир Путин ўртасида 12 февраль куни бўлиб ўтган телефон мулоқоти ҳафтанинг энг кўп муҳокама этилаётган воқеаларидан бирига айланди. Дарҳақиқат, бу мулоқотнинг аҳамияти жуда юқори. Зеро, 24 февраль куни Россия – Украина можароси бошланганига 3 йил тўлади. Шу вақт мобайнида АҚШ ва Ғарб Украина тарафида туриб, Россияни ҳам иқтисодий, ҳам маънавий, ҳам сиёсий инқироз ёқасига келтириш, уни жисман йўқотиш учун фавқулодда катта куч сарфлади. Ниҳоят, иқтидорга келиши билан Россия – Украина можаросига нуқта қўйишини бот-бот такрорлаб келган Трамп инаугурациясидан уч ҳафта ўтиб, Путин билан телефон орқали деярли бир ярим соат суҳбатлашди.**

Телефонда сўзлашдан аввал Пентагон раҳбари Пит Ҳегсет бир қатор принципиал аҳамиятга эга масалалар бўйича АҚШ позициясини эълон қилди. Унинг сўзларига кўра, Украина 2014 йилги чегараларига қайтиши ҳақиқатдан анча йироқ, АҚШ НАТОга аъзоликни можарони тугатиш шартларидан бири деб ҳисобламайди ва хавфсизликни таъминлаш мақсадида ўз қўшинларини Украинага юбориш ниятида эмас.

Ҳегсет Европанинг бу борадаги ролига тўхталар экан, кўҳна қитъа Украина бўйича мажбуриятларнинг бир қисмини ўз зиммасига олиши лозимлигини таъкидлади. Бундан ташқари, европаликлар хавфсизликни таъминлаш борасида Вашингтон кўмагидан хомтама бўлмасликлари керак. Пентагон раҳбарининг фикрича, Европа ўз мудофааси учун кўпроқ маблағ ажратиши лозим, акс ҳолда, у жаҳон миқёсидаги жараёнларда фаол иштирок этиш имконидан маҳрум бўлади.

Кейинроқ Трамп Ҳегсетнинг сўзларини қисман тасдиқлади. У ҳам Украинанинг НАТОга аъзо бўлиши эҳтимоли пастлиги ҳамда 2014 йилги чегараларга қайтиш имкони йўқлигини эслатди. АҚШ президентининг фикрича, Украина эртами-кечми сайлов ўтказиши лозим. Шунингдек, Америка Киевга ёрдам беришни давом эттиради, аммо бу сармоялар ҳимояси кафолатланган тақдирдагина киритилиши мумкин.

Ушбу баёнотлар Россия – АҚШ ўртасида ишончли муносабатларни шакллантириш ва Украина бўйича музокараларни муваффақиятли ўтказиш учун яхши имконият пайдо бўлганини англатади. Вашингтон Москва талабларини – ҳудудий ўзгаришларни тан олиш ва Украинанинг нейтрал мақомини қабул қилишга мойилдек кўриняпти.

Суҳбатдан сўнг Москва ҳам, Вашингтон ҳам ҳамкорликка очиқ эканликлари ва сўнгги уч йил ичида Америка намоён этган душманлик ва антагонизм енгиб ўтилгани ҳақида баёнот берди. «Стратегик мағлубият» ҳақидаги гаплар бир четда қолиб, муаммоларни музокаралар орқали ҳал қилиш таклифи илгари сурилди.

Парадигманинг ўзгаргани президентлар Украинадаги можаронигина эмас, балки кенг қамровли бошқа масалаларни муҳокама қилганида ҳам ўз аксини топди. Кун тартибига маҳбуслар алмашинувидан ташқари, Яқин Шарқдаги вазият, Эроннинг ядровий дастури ва иқтисодий муносабатлар масалалари киритилди. Бу эса томонлар тенг ҳуқуқли мулоқотга тайёр эканлигидан далолат беради.

Путин ва Трамп мулоқоти Украина муҳокама қилинмаган тақдирда ҳам катта аҳамиятга эга бўларди. Россия учун Украинадаги тинчликдан кўра, Вашингтон кафолатлайдиган стратегик хавфсизлик, таҳдидларнинг йўқлиги ва яқин атрофидаги таъсир доираларини мустаҳкамлаш муҳимроқ. Мулоқот чоғи кенг кўламли мавзулар муҳокама қилингани Трамп Россияни геосиёсий ва иқтисодий жараёнларда муҳим роль ўйнайдиган давлат сифатида қабул қилаётганини кўрсатади.

Мулоқот давомида Путин ва Трамп учрашуви ҳақида ҳам сўз борди. Аммо у қаерда бўлиб ўтиши ҳануз аниқ эмас. АҚШ президенти Саудия Арабистонини эҳтимолий жой сифатида тилга олди, бироқ мутахассислар Саудия қироллик хонадонининг норасмий дипломатик элчиси БАА эканини таъкидламоқдалар. Демак, Саудия Арабистони ҳақида гап кетганда, эҳтимол, Трамп Абу-Дабини назарда тутган бўлиши мумкин. Шу сабабли, экспертлар фикрича, икки давлат раҳбарларининг учрашуви айнан ўша ерда бўлиб ўтади. Бироқ бу фақат аниқ келишувлар ишлаб чиқилгандан сўнг амалга ошади.

Нима бўлганда ҳам, Трампнинг дастлаб Путин, сўнгра Зеленский билан олиб борган мулоқоти тинчлик музокаралари учун дипломатик ҳаракатлар фаоллашганини кўрсатяпти.

Бироқ можарода бевосита ёки билвосита иштирок этаётган томонлар Путин – Трамп мулоқотига салбий муносабат билдиряпти. Айниқса, Украина ҳамда Европа давлатлари раҳбарлари бу янгиликдан шок ҳолатига тушган. Европа давлатлари етакчилари тинчлик музокараларида уларнинг фикрлари деярли инобатга олинмаётганидан хавотирда. Кўҳна қитъа мулозимларининг фикрича, Европа ва Украинасиз ўтадиган тинчлик музокаралари муваффақиятсиз якун топади.

Украинада йўқотилган ҳудудларни қайтариш деярли имконсиз экани ҳақида гапирилаётган бўлса-да, ҳозирча бу борада муроса йўлини танлашга тайёр эмас. Франция, Германия, Буюк Британия ва Польша Украинага ёрдам беришни давом эттириши мумкин, аммо улар музокаралар



# Москва ва

лат, ҳаққонийлик ва демократиянинг асосий тамойилларига таҳдид солаётган муаммоларга дуч келмоқдамиз. Автократизмнинг ўсиши касаба уюшмалари ҳуқуқларини чеклаяпти ва фуқаролик жамияти учун майдонни торайтиряпти. Корпоратив ҳокимият ва дезинформация билан қўллаб-қувватланаётган ўта ўнг сиёсий кучлар меҳнаткашларни ҳимоя қилувчи институтларни ўз назоратига олиб, уларни йўқ қилишга ҳаракат қилмоқда. Бунга қарзлар йиғилиши ҳамда қатъий тежамкорлик чоралари орқали тенгсизликни кучайтириб, ҳукуматларни ижтимоий ҳимоя ва давлат хизматларига инвестиция киритиш имкониятидан маҳрум қилаётган иқтисодий сиёсат ҳам ҳисса қўшмоқда.

Экологик ва технологик ўзгаришлар ҳам ишчилар учун жиддий муаммоларни келтириб чиқармоқда. Кўплаб ходимлар ноаниқлик, иш ўрнидан маҳрум бўлиш хавфи ва беқарор меҳнат шароитларига дуч келмоқда. Тез ўзгарувчи тармоқлар ишчилар учун ижтимоий-иқтисодий оқибатларни етарлича ҳисобга олмайди, чунки меҳнаткашлар қарорлар қабул қилиш жараёнида четда қолмоқда. Бу ҳолат адолатли ўтиш жараёни ҳамда меҳнаткашлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга йўналтирилган сиёсатнинг зарурлигини янада равшанроқ кўрсатади.

Ушбу муаммоларга қарамай, касаба уюшмалари ўзгаришлар учун ноёб имкониятларга эга. 2025 йилда ХКУК «Натижа берувчи демократия учун» кампаниясини бошлайди. Биз аъзо ташкилотларимиз билан ҳамкорлик қилиб, демократия институтларига бўлган ишончни тиклаш ҳамда меҳнаткашларнинг овози бошқарув жараёнларида марказий ўрин эгаллашини таъминлаш учун ишлаймиз. Касаба уюшмаларини адолатли ва инсонпарвар сиёсатни илгари суришда етакчи куч сифатида намоён этиб, ҳукуматлардан меҳнаткашлар ҳаётидаги реал яхшиланишлар учун жавобгарликни талаб қиламиз, шу билан бирга, автократизм ва корпоратив эксплуатацияга қарши курашамиз.

ция ҳамда самарасиз иқтисодий ва савдо моделларининг оқибатидир. Ривожланган давлатлар ўз манфаатларини илгари суриш учун ривожланаётган мамлакатлар ресурсларидан фойдаланган ҳолда, уларда барқарор иқтисодиёт, муносиб иш ўринлари ва кучли ижтимоий ҳимоя тизимини шакллантиришга етарлича ҳисса қўшмаяпти.

Шу боис саммит натижалари Янги ижтимоий шартноманинг амалга оширилишига қаратилган бўлиши керак, унинг асосида БМТнинг 8-мақсади (ЦУР 8) ётади. Бу эса муносиб ва экологик жиҳатдан барқарор иш ўринлари яратиш; умумий ижтимоий ҳимояни таъминлаш; норасмий иқтисодиётни расмийлаштириш; гендер тенглиги ва инклюзивликни илгари суриш каби мажбуриятларни ўз ичига олади.

Иқлим ва рақамли трансформациялардан жабр кўраётган меҳнаткашлар учун адолатли ўтиш жараёни устувор вазифага айланиши лозим. Уни самарали амалга ошириш учун эса жиддий молиявий ресурслар талаб этилади. Фақат шундай чоралар орқали мамлакатлар ичида ва улар ўртасидаги кескинликни камайтириш ҳамда ишончни тиклаш мумкин.

Ижтимоий мулоқот ва ижтимоий шериклик айни мақсадларга эришишнинг асосий воситасидир. Уч томонлама ҳамкорлик (трипартизм) бошқарувнинг фундаментал механизми сифатида эътироф этилиши лозим, бу эса ҳукуматлар, иш берувчилар ва меҳнаткашларни қарорлар қабул қилиш жараёнига тўлиқ жалб қилишни кафолатлайди. Шу сабабли ХМТ саммитни ташкил этиш ва унинг натижаларини таъминлашда етакчи роль ўйнаши керак, шунингдек, унинг ноёб уч томонлама тузилмаси глобал миқёсда ижтимоий ва иқтисодий сиёсатларни мувофиқлаштириш учун фойдаланилиши шарт.

ХКУК учун саммит муваффақияти меҳнаткашлар билан боғлиқ устувор йўналишлар аниқ ва бажари-

# ДУНЁСИНИ ОЛАМИЗ!

Ташкилотчилик, ҳамжиҳатлик ўзгаришларнинг кучли воситаси бўлиб қолмоқда. Аёллар, ёш ходимлар, муҳожирлар ва норасмий ишчиларнинг овозларини кучайтириш орқали касаба уюшмалари ўз таъсир доирасини кенгайтира олади ва адолатли тартибга солиш, муносиб меҳнат ўринлари яратиш ҳамда барқарор иқтисодиётни шакллантириш талабларини илгари суради.

**– 2025 йил ноябрь ойида бўлиб ўтадиган Жаҳон ижтимоий саммитидан қандай натижаларни кутяпсиз? ХКУК учун қайси аниқ натижалар муҳим?**

– Жорий йилда Халқаро меҳнат конференцияси ва Жаҳон ижтимоий саммити касаба уюшмалари учун муносиб меҳнат, ижтимоий ҳимоя ва меҳнат ҳуқуқларини илгари суришда ноёб имкониятларни яратади.

Саммит асосий глобал муаммоларни ҳал этишга қаратилган бўлиши керак. Булар қаторига геосиёсий беқарорлик, иқлим ўзгаришининг тезлашиши, тенгсизликнинг ўсиши ва инсон ҳуқуқлари ҳамда демократик тамойиллар эрозияси киради. Ушбу муаммоларни фақат мувофиқлаштирилган ҳаракатлар орқали ҳал этиш мумкин, бунда меҳнаткашлар учун адолатли ва тенг ҳуқуқли келажакни яратиш устувор бўлиши лозим.

Ижтимоий адолат, тинчлик ва демократия бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Саммит бунга алоҳида эътибор қаратиши шарт. ХМТнинг Юз йиллик декларацияси ҳукуматлар, иш берувчилар ва касаба уюшмаларининг ижтимоий адолат ва барқарор тинчликка эришишдаги ҳамкорлиги муҳимлигини таъкидлайди. Бироқ демократик институтларга бўлган ишонч тарихий минимал даражага тушиб кетди. Саммит меҳнаткашлар томонидан яратилаётган бойликнинг адолатли тақсимланиши орқали бу ишончни қайта тиклаш имконини бериши керак.

Саммит нафақат фуқаролар ва ҳукуматлар, балки давлатлар ўртасидаги ишончсизлик ҳамда кескинлик кучайган даврда бўлиб ўтади. Юзага келган ҳолат бир неча ўн йиллар давомидаги мувозанатсиз глобализа-

лиши мумкин бўлган ҳаракатлар режасига киритилишида намоён бўлади. Бу режа ҳисобдорлик, демократик инклюзивлик ва ҳақиқий тараққиётни кафолатлаши керак. Саммит адолат, қадр-қиммат ва тенгликни илгари суриш, шунингдек, ўзгаришлар жараёнида касаба уюшмаларининг ролини мустаҳкамлаш имконини беради. Меҳнаткашлар аниқ ва сезиларли натижаларни кутяпти, қолаверса, улар шунга муносиб.

**– Суҳбатимиз якунида дунё меҳнаткашлари ҳаракатига қандай мурожаат қилган бўлардингиз?**

– 2024 йилга назар ташлаб, 2025 йилга умид ила боқиб, дунё касабачилик ҳаракати адолат, тенглик ва инсон қадр-қимматини ҳимоя қилишда беқиёс куч ўлароқ қолаётганини кўриш мумкин. Авторитаризм, тенгсизликнинг ортиши, иқлим беқарорлигига қарамай, биз бирдамлик ва жамоавий ҳаракатлар орқали ҳақиқий ўзгаришларга эришиш мумкинлигини исботладик.

Бироқ олдимизда турган муаммолар биздан янада катта уюшқоқликни талаб этади. Демократия, яшаш даражасига мос иш ҳақи, муносиб меҳнат шароитлари ва барча ишчилар учун тенг муносабат учун курашни давом эттиришимиз лозим. Асосий ҳуқуқларни ҳимоя қилиб, меҳнаткашлар манфаатларини илгари сурган ҳолда, адолатли ва барқарор келажакни шакллантиришни давом эттиришимиз керак.

Касаба уюшмалари Янги ижтимоий шартномани ҳимоя қилиш, иқлим адолатини илгари суриш ёки платформали ва норасмий ишчиларни эксплуатация қилишга қарши, глобал тенглик ва инклюзивлик учун курашда пешқадамлар сафида бўлиши лозим.

Дунё касабачилик ҳаракатига мурожаатим шундай: бирдам, жасур ва қатъий бўлинг. Олдимиздаги йўл осон эмас, лекин биз биргаликда исталган тўсиқларни енгиб ўтиб, меҳнат дунёсини яхшилай оламиз!

# Мария Хелена Андре:

## 2025 ЙИЛНИ ҲАМЖИҲАТЛИК, ҲАМКОРЛИК ВА ИЖТИМОИЙ АДОЛАТ ЙЎЛИДА МУҲИМ ЮТУҚЛАРГА ЭРИШИШ ЙИЛИГА АЙЛАНТИРАЙЛИК!




**ГЕОСИЁСИЙ КЕСКИНЛИК, ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ ВА ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР, ХУСУСАН, СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ ТАЪСИРИНИНГ ОРТИБ БОРИШИ КАБИ КЎПЛАБ ГЛОБАЛ МУАММОЛАР ФОНИДА ХМТ/ACTRAV БЮРОСИ ДИРЕКТОРИ МАРИЯ ХЕЛЕНА АНДРЕ 2025 ЙИЛДА КАСАБАЧИЛИК ҲАРАКАТИ ИСТИҚБОЛЛАРИ ВА ВАЗИФАЛАРИ ҲАҚИДА СЎЗ ЮРИТДИ. ҚУЙИДА УНИНГ КАСАБА УЮШМАЛАРИГА МУРОЖААТИ КЕЛТИРИЛМОҚДА.**

Ҳурматли ҳамкасблар, азиз дўстлар!

Жаҳон айвонида яна бир ташвишли йил ўз ниҳоясига етди. 2025 йилни келажакдан хавотир ва ишончсизлик билан кутиб олдик. Иқтисодий беқарорлик ва геосиёсий кескинлик бутун дунёда меҳнаткашларнинг ҳаёти ва фаровонлигига жиддий таъсир кўрсатишда давом этди. Айрим ҳудудларда ижобий ўзгаришлар кузатилаётганига қарамай, катта эҳтимол билан, глобал ноаниқлик даражаси йил давомида сақланиб қолади.

Технологик ўзгаришлар, демографик шароит, глобаллашув трансформацияси ва иқлим ўзгаришининг вайронкор оқибатлари жаҳон иқтисодиёти, жамият ва меҳнат табиатига тубдан таъсир кўрсатишда давом этади. Ушбу жараёнлар сўнгги 70 йил давомида шаклланган либерализм, кўпқирралилик, инсон ҳуқуқларининг умумий тамойилларига асосланган жаҳон тартибига ўзгартиш киритмоқда.

Шу билан бирга, бугун қатор давлатларда изоляционизм сиёсати билан боғлиқ тенденциялар кучаяётганини кузатяпмиз. Бу эса халқаро ҳамкорлик тамойиллари томирига болта урмоқда. Биз кўп томонлама ҳамкорлик бундан буён ҳам айрим давлат ёки ташкилотлар ваколат доирасидан ташқарига чиқадиган глобал муаммоларни ҳал этиш механизми бўлиб қолиши лозим, деган фикрда собитмиз.

Халқаро меҳнаткашлар ҳаракати бу жараёнда ҳал қилувчи ўрин тутади. Геосиёсий вазият кескинлашаётган, ижтимоий якдиллик, тинчлик ва фаровонлик асоси бўлган демократик институтларга босим кучаяётган бир шароитда, унинг аҳамияти ҳар қачонгидан-да ортиб боряпти.

Биз касаба уюшмалари, ҳукуматлар, иш берувчилар ва илмий доиралар ўртасида миллий ва минтақавий даражада, шунингдек, халқаро тизим доирасида янги ижтимоий шартноманинг зарурлиги ҳақидаги мулоқот платформасини тақдим этишда давом этамиз.

Биз меҳнаткашларнинг заиф гуруҳлари, хусусан, норасмий иқтисодиётда банд бўлганлар ҳамда беқарор шароитларда меҳнат қилаётган ёки меҳнат бозори ташқарисида қолиб кетаётган ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда касаба уюшмаларини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратамиз.

Тобора жиддий тус олаётган иқлим муаммолари жаҳон иқтисодиётини тубдан қайта қуришни тақозо этади.

Ижтимоий мулоқот ҳамда касаба уюшмаларининг фаол иштироки «яшил» иқтисодиётга ўтишда жамиятнинг барча аъзолари учун адолат ва манфаатни таъминлашнинг зарур шартига айланади.

Дунё жадал суръатда ўзгариб бораётган бир шароитда касаба уюшмалари ҳам ўзгаришга мажбур. ACTRAV касаба уюшмаларини меҳнаткашлар манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги ислоҳотларида ҳам, ички тузилмасини такомиллаштиришда ҳам қўллаб-қувватлашга тайёр. Зеро, бу уларнинг ҳақиқий маънода барча меҳнаткашлар овозига айланишини таъминлайди.

Келинг, келгуси муаммоларни умид ва қатъият билан кутиб олайлик, ҳамкорлигимизни давом эттирайлик. 2025 йилда олдимизда сизнинг фаол иштирокингиз ва ҳиссангизни талаб қилувчи икки муҳим вазифа турибди.

Биринчидан, 2025 йил июнь ойида Халқаро меҳнат конференциясининг 113-сессияси бўлиб ўтади. Ушбу сессия доирасида Стандартларни қўллаш қўмитаси, шунингдек, расмий иқтисодиётга ўтиш, платформали иқтисодиёт ва биологик хавф-хатарларга оид стандартларни белгилаш масалалари бўйича қўмиталарда муҳим муҳокамалар ўтказилади.

Иккинчидан, 2025 йил ноябрда Тараққиёт манфаатлари йўлида Жаҳон ижтимоий саммити ўтказилади. Бу тадбир келгуси ўн йилликнинг иккинчи ярми ва 2030 йилдан кейинги давр учун меҳнат соҳасини ривожланиш стратегиясини белгилашда ҳал қилувчи босқичга айланади.

Бизни жиддий синовлар кутмоқда: геосиёсий кескинлик, иқлим муаммолари кучайган, сунъий интеллект ҳамда янги технологияларнинг жаҳон меҳнат бозорига таъсири тобора ортиб боряпти. Шунга қарамай, касаба уюшмалари ушбу ўзгаришларга мослаша олишига ва бутун дунёда меҳнаткашлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги етакчи ролини сақлаб қолишига ишонаман.

ACTRAV ХМТ номидан касаба уюшмаларини барча учун муносиб меҳнат тамойилларини илгари суриш ва амалга оширишда қўллаб-қувватлашга тайёр эканини тасдиқлайди. Келинг, 2025 йилни ҳамжиҳатлик, ҳамкорлик ва ижтимоий адолат йўлида муҳим ютуқларга эришиш йилига айлантирайлик!

Биргаликда бу йилни ҳақиқатан муваффақиятли ва унутилмас йилга айлантира оламиз!



# Вашингтон яқинлашяптими?

## Путин -Трамп мулоқоти ҳақида айрим мулоҳазалар

эҳтимолини ҳам инобатга олиб ҳаракат қилишга мажбур бўлади.

Агар Украина ва Россия муроса йўлини танламаса, уруш қайсидир томоннинг тинкаси қуригунга қадар давом этиши мумкин. Бироқ бу уруш иштирокчи томонларга жуда қимматга тушаётгани ҳам бор гап. Россия учун урушнинг тугаши, энг аввало, минглаб инсонлар ҳаётини сақлаб қолиш демакдир. Шу билан бирга, тинчлик мамлакатга иқтисодий барқарорликка эришиш ва демографик муаммоларни ҳал қилиш имконини беради.

Уруш давомида Россияда миллиондан ортиқ киши армияга чақирилди, кўплаб малакали мутахассислар мудофаа саноатига ўтди ёки хорижга чиқиб кетди. Қисман демобилизация ва мобилизация даражасининг пасайиши баъзи мутахассисларни фуқаролик секторларига қайтариши мумкин. Қолаверса, Россия ҳарбий харажатларини ЯИМнинг 2,5-3 фоизигача оширди. Россияликларнинг аксарияти тинчлик ўрнатилиши билан бюджет юки енгиллашиб, молиявий барқарорлик қайта тикланишига умид билдиряпти.

Табиийки, ҳарбий харажатларнинг камайиши рубль курсини мустаҳкамлаб, инфляцияни жиловлайди. Аммо санкциялар тўлиқ бекор қилинишига умид кам. Шунга қарамай, транзакция харажатларининг пасайиши, логистика нархларининг тушиши, Осиё ҳамда Яқин Шарқдан инвестицияларни қайтариш имкониятининг ўзи ҳам Россия иқтисодиётини кучайтириши мумкин. Хуллас, Россия учун тинчлик ишчи ресурсларни тиклаш, молиявий барқарорликни таъминлаш, санкцион босимни камайтириш ва инвестиция муҳитини яхшилаш имконини беради.

Украина учун уруш тугашидан кейинги энг катта муаммо – демографик инқироз. 9 миллион украиналик (урушдан олдинги аҳолининг деярли 22 фоизи) ҳали ҳам хорижда. Уларнинг аксарияти ўз ватанига қайтиш ниятида эмас. Украина бюджетининг 40 фоизи Ғарб ёрдами ҳисобидан қопланади. Бироқ Европа ва АҚШнинг молиявий ёрдами чексиз давом этиши мумкин эмас.

Украина ўз инфратузилмасини қайта тиклаш учун Ғарб сармояларига ишонмоқда. Бироқ, тарихий хотирага таянадиган бўлсак, урушдан кейин мағлуб мамлакатга донорлар эътибори сусайишини ҳам инкор этиб бўлмайди. Украина ҳозирча қарз тўловларини кечиктиришга эришди. Аммо яқин келажакда Украина мамлакат аҳолиси учун оғир иқтисодий ислоҳотлар ўтказишга ёки янги молиявий манбалар излаб топишга маҳкум бўлади.

Бу орада Франция ва Италияда ЯИМнинг 5 фоизидан ортиқ бюджет тақчиллиги қайд этилди. Германияда солиқ тўловчиларнинг Украинага сарфланган маблағлардан норозилиги ортиб бормоқда. Европа давлатлари Россия билан узоқ муддатли рақобат қилиш ниятидан қайтмаса, мудофаа бюджетини оширишга мажбур бўлади. Бу орада Вашингтон Киевдан Украинадаги қимматбаҳо металлар ва ресурслар ҳисобига деярли 500 миллиардлик АҚШ ёрдамини қоплашни талаб қилмоқда.

Ана шундай мураккаб бир вазиятда Украинада тинчликка эришиш учун дастлабки қадам ташланди. Асосий масала – музокараларда муросага эришиш. Агар дипломатик саъй-ҳаракатлар муваффақиятли кечса, жанговар ҳаракатлар яқин ойлар ичида якун топади. Агар акси бўлса, уруш Европа барқарорлигига доимий таҳдид сифатида қолаверади.

Жанг майдонида тўплар жимиб, сиёсий шахматчилар доналарни тахта ичига жойласа, дунё қиёфаси буткул ўзгаради. Украинадаги урушнинг тугаши тарих сўқмоқларидаги яна бир бурилишгина эмас, балки кўплаб давлатлар, жумладан, Марказий Осиё ҳамда Ўзбекистон учун ҳам янги геосиёсий давр бошланиши бўлади.

Мамлакатимиз учун урушнинг тугаши янги савдо йўллари очилиши ва санкциялар сабаб пайдо бўлган тўсиқлар йўқолишига олиб келади. Агар Россияга қўйилган халқаро чекловлар юмшатилса, минтақада логистика фаоллашади, ўзаро ҳисоб-китоблар қайта тикланади ва савдо айланмаси ўсади.

Шунингдек, меҳнат муҳожирлари учун ҳам имкониятлар эшиги очилади. Россияга борувчи ишчи кучи сўнгги йилларда турли муаммоларга дуч келди, бироқ уруш тугаши билан улар барқарор даромад манбаига умид қилишлари мумкин. Бу эса Ўзбекистон иқтисодиётига пул ўтказмалари кўпайишига олиб келади. Санкциялар ўз кучида қолса, Ўзбекистонга ўз савдо ва иқтисодий йўналишларини диверсификация қилиш талаби ортади. Бунинг учун мамлакатимиз Хитой, Туркия ва Яқин Шарқ давлатлари билан ҳамкорликни янада кучайтириши лозим бўлади.

Узоқ чўзилган уруш Россияни ўзгартирди. Ана шундай бир вазиятда Москванинг Марказий Осиёдаги таъсири камайиши мумкинми? Балки шундай ҳам бўлар. Агар Кремль ўз эътиборини ички барқарорликни тиклашга қаратса, Марказий Осиёда бўшаб қолган геосиёсий майдонга бошқа давлатлар даъво қила бошлаши шубҳасиз. Хусусан, Хитой минтақадаги иқтисодий етакчиликка даъво қилиб, йирик кредитлар, инвестициялар ва инфратузилма лойиҳалари орқали ўз таъсирини кучайтиради. Туркия эса «Туркий дунё» ғоясига таяниб, Марказий Осиё давлатларидаги таъсирини кенгайтиришга ҳаракат қилади. Ғарб Ўзбекистон ва бошқа давлатларга иқтисодий ва технологик имкониятлар таклиф қилиб, Россияга боғлиқликни камайтиришга интилса, ажаб эмас.

Россиянинг минтақага таъсири камайса, нафақат дипломатик, балки хавфсизлик билан боғлиқ масалалар ҳам долзарблашади. Сўнгги йилларда Ўзбекистон Афғонистон билан чегара масаласига жиддий эътибор қаратмоқда. Россиянинг Марказий Осиё хавфсизлигидаги роли камайса, Ўзбекистон ўз мудофаа стратегиясини қайта кўриб чиқишга мажбур бўлади. Авваламбор, мамлакатимиз ўз ҳарбий салоҳиятини оширишга, чегара ҳимоясини мустаҳкамлашга янада кўпроқ аҳамият беради. Шу билан бирга, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШҲТ) ва бошқа тузилмалар орқали мамлакатимиз хавфсизлигини таъминлашга ҳаракат қилади.

Украина – Россия можароси билан боғлиқ қайси сценарий амалга ошишидан қатъи назар, Ўзбекистон ўзининг кўп векторли дипломатик йўналишини давом эттиради. Транспорт йўналишларини ривожлантириш, халқаро ташкилотларда иштирок этиш, стратегик нейтралитетни сақлаш мамлакатимизнинг асосий дипломатик йўналиши бўлиб қолаверади.

Украинадаги урушдан кейинги дунё қандай бўлиши ҳали аниқ эмас. Бироқ бир нарса аниқ: Ўзбекистон сиёсий ўйинда ҳамиша бир қадам олдинда бўлиб, девор қуришдан кўра, кўприклар барпо этишни афзал кўради.



**Жаҳонгир НАҲАНОВ**
*«ISHONCH»*

Аҳмоқ киши ҳикмат лаззатини билмайди,
бамисоли тумов киши гулнинг ҳидини сезмаганидек.
Маҳмуд аз-Замахшарий



2025-YIL 15-FEVRAL
SHANBA
№ 21 (5085)



# БОБУР ВА МАССЕРМАН ҚОИДАСИ



Архив

**Инсоният ўз тарихида ҳаётини юрт ободлиги, халқ хизмати, давлат тараққиёти учун бахшида этган ҳукмдорлар ва подшоҳларни кўп кўрган. Масалан, Александр Македонский, Юлий Цезарь, Чингизхон, Амир Темур, Сулаймон Қонуний, Наполеон Бонапарт, Жорж Вашингтон, Авраам Линкольн, Мао Цзе Дун, Маҳатма Ганди, Уинстон Черчилль... Уларнинг ҳар бири ўзига хос бошқарув мактаби яратган улуғ шахслардир.**

Аслида ҳар қандай жамият қонунлар доирасидаги идеал давлат бошқарувини орзу қилади. Агар бошқарувда шахснинг ўрни ва роли беқиёс эканлигини инобатга олсак, бу ўзига хосликни яхлит бир қолипга солиш, қонунлар доирасида чеклаб қўйишнинг имкони йўқ. Ҳар ким истеъдоди, жасорати, фидойилиги, тезкорлиги, адолатпарварлиги ва шахсий ёндашуви каби ўзига хос фазилатлари билан ажралиб туриши табиий ҳол, албатта.

Бир неча йил муқаддам «Тайм» журналида «Тарихнинг буюк доҳийлари» мавзусида қатор мақолалар эълон қилинганди. Унда жуда кўплаб буюк шахслар, жумладан, Маҳатма Ганди, Авраам Линкольн ва бошқалар ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилганди. Шу ўринда Чикаго университети профессори Жюль Массерман масалага аниқ мезонлар билан ёндашишни таклиф этганди. Унинг фикрига кўра, сардорлар учта вазифани бажариши керак. Биринчидан, ўзлари бошқарган халқни тинч ва фаровон ҳаёт билан таъминлаши, иккинчидан, одамлар ўзларини хавф-хатарсиз, хотиржам сезадиган жамият қуриши, учинчидан, одамларга иймон, ишонч ва эътиқод йўлини тақдим этиши зарур.

Массерман мазкур уч мезон асосида буюк тарихий шахсларни ўрганиб чиқиб, қуйидаги хулосани илгари сурган: «Пастер ва Салк каби доҳийлар биринчи мезонга жавоб беради. Ганди ва Конфуций бир томондан, Александр Македонский, Цезарлар бошқа томондан иккинчи ёки учинчи талабларни қондиради. Будда эса, фақат учинчи тоифага мансубдир».

Бизни эса бир савол ўйлантиради: заковатли ҳукмдорлардан бири, улкан мамлакатнинг буюк империясига асос солган темурий шаҳзода Заҳириддин Муҳаммад Бобурни бу тоифаларнинг қай бирига киритиш мумкин? Назаримда, у Массерман айтган уч тоифанинг ҳаммасига мансуб. Биз «Бобурнома»да келтирилган далиллар орқали унинг ҳукмдор сифатидаги масъулияти, давлатни бошқаришдаги қатъияти, раҳбарлик санъати, қўли остидаги шахсларга нисбатан муносабати, унинг адолат мезонлари ҳақида баҳоли қудрат тўхталамиз. Зотан, у ўз халқини тинч ва фаровон ҳаёт билан таъминлай олган, халқ хавф-хатарсиз, хотиржам яшашига шароит яратган ва одамларни иймон, эътиқод йўлидан юришга даъват этган сардор эди.

Бобур тарихдаги энг мураккаб ва драматик шахслардан бири, ўзининг нодир истеъдоди ва беқиёс инсонийлик фазилатлари билан халқ кўнглидан жой эгаллаган сиймо. У юксак ақлу заковати билан беназир асарлар ёзган, инсонпарвар сиёсати туфайли ҳарбий соҳада улкан ютуқларга эришган.

Бобур шахсиятида ҳақиқат ва адолатга ҳаётнинг бош мезони сифатида қаралиб, ундаги мардлик ва ростгўйлик, шижоат ва ўктамлик шу ғоялар билан чамбарчас боғланган. Истеъдодли саркарданинг ахлоқий нуқтаи назари, маънавий таҳлили ғоят бешафқат, аёвсиз. У ўзгалар фаолияти ва хатти-ҳаракатларини қандай талаблар асосида баҳоласа, бу талабларга, энг аввало, ўзи ҳам қатъий риоя қилган. Умри давомида бошидан кечирган ғалаба ва аччиқ синовларнинг барини иймон-эътиқодда собит подшоҳ Ҳақнинг марҳамати, тақдири ва насибаси деб билган.

Буюк салтанат ҳукмдори наздида ҳар қандай шахс устоз кўрган тақдирдагина ҳақиқий камолотга етиши мумкин. Бу фикрлар «Бобурнома»да ҳам ўз аксини топган. Унда Султон Абусаид мирзо, султон Аҳмад мирзо, Султон Умаршайх мирзонинг пири Хожа Аҳрор Вали, ўзининг пири Хожа Абдулло экани тўғрисида алоҳида фикрлар билдирилган.

Бобур давлат бошқаруви қоидалари ҳақида ўз фикрини баён этар экан, бу юкни елкасига ортган ҳукмдор ҳар томонлама соғлом, жисмонан бақувват ва кучли бўлиши муҳимлигини таъкидлайди. Ўз даври ҳукмдорларига, темурийзодаларга баҳо беришда уларнинг мушт зарби кучи, қилич тутиши, камон тортишигача бўлган қобилиятларини алоҳида баҳолайди. Жумладан, Султон Ҳусайн мирзо ҳақида «Шужоъ ва мардона киши эди. Борлар ўзи қилич тегурубдур, балки ҳар маъракада борлар қилич тегурубдур. Темурбек наслидин ҳеч ким маълум эмаским, султон Ҳусайн мирзоча қилич чопмиш бўлғай», деб ёзиб қолдирган бўлса, Султон Умаршайх мирзо тўғрисида «Икки мартаба ўзи жамиъ йигитлардин ўзуб қилич тегурди. Ўқни ўрта чоғлиқ отар эди, бисёр зарб мушти бор эди, анинг муштидин йигит йиқилмоғон йўқдур», деган фикрга алоҳида урғу берган.

Бобур тасаввуридаги ҳукмдор ўз зиммасидаги вазифаларни бажаришда бир сўзли, қатъиятли ва жасоратли, собитқадам бўлмоғи, ҳар бир ишни пухта ўйлаб, сўнгра бошламоғи ва уни охирига етказмоғи лозим. Жумладан, Султон Ҳусайн мирзо ички низоларни бостириш мақсадида темурийзодаларнинг бекларидан бири Хусравшоҳга қарши икки дафъа от солиб, подшоҳлик азмини бажо келтира олмагани оқибатида, ўғиллари ва беклари олдида обрўси йўқолиб борганини кучли бир изтироб ва алам билан ёзади.

Ҳукмдор қўли остидагиларнинг бошини қовуштирадиган, уларга таъсир ўтказа оладиган, мустаҳкам иродали ва ўз фикрини очиқ, равшан тушунтирадиган кучли нотиқ бўлмоғи лозим. Жумладан, Бобур Ҳиндистон сари лашкар тортганида ўз қўшинларини қўллаб-қувватлаш, шунингдек, жуда кўп навкарлар Ҳиндистон азиматидан сўнг ўз юртларига қайтиш истагини билдирганларида уларни бу фикрдан қайтариш мақсадида оташин нутқ сўзлаган.

«Бобурнома»дан ҳукмдор халқпарвар бўлиши, оддий халқ манфаатларини ҳимоя қилиши лозимлигини уқиб олиш мумкин. Бобур Ҳиндистон фатҳидан сўнг маҳаллий аҳолига солинадиган тамға солиғини бекор қилиб, халққа енгиллик ва солиқ имтиёзи беради. Бу тажрибани бир вақтлар султон Абусаид мирзо Хожа Аҳрор Валининг таклифига асосан қўллаганини, натижада халқнинг моддий шароити яхшиланиб, халқ орасида ҳукмдорнинг мавқеи ошганини алоҳида таъкидлайди.

> «БОБУРНОМА»ДАН ҲУКМДОР ХАЛҚПАРВАР БЎЛИШИ, ОДДИЙ ХАЛҚ МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШИ ЛОЗИМЛИГИНИ УҚИБ ОЛИШ МУМКИН. БОБУР ҲИНДИСТОН ФАТҲИДАН СЎНГ МАҲАЛЛИЙ АҲОЛИГА СОЛИНАДИГАН ТАМҒА СОЛИҒИНИ БЕКОР ҚИЛИБ, ХАЛҚҚА ЕНГИЛЛИК ВА СОЛИҚ ИМТИЁЗИ БЕРАДИ. БУ ТАЖРИБАНИ БИР ВАҚТЛАР СУЛТОН АБУСАИД МИРЗО ХОЖА АҲРОР ВАЛИНИНГ ТАКЛИФИГА АСОСАН ҚЎЛЛАГАНИНИ, НАТИЖАДА ХАЛҚНИНГ МОДДИЙ ШАРОИТИ ЯХШИЛАНИБ, ХАЛҚ ОРАСИДА ҲУКМДОРНИНГ МАВҚЕИ ОШГАНИНИ АЛОҲИДА ТАЪКИДЛАЙДИ.

У мамлакат етакчиси ўқимишли, мушоҳадаси кенг, маънавий баркамол инсон бўлиши лозимлигига алоҳида эътибор қаратган. Жумладан, Улуғбек мирзони «Дин ва дунёнинг таянчи, донишманд киши эди», дейди ва унинг даврида Самарқандда жуда катта қурилиш-ободончилик ишлари амалга оширилганини фахр билан тилга олади. Умаршайх мирзони «Муттасил «Шоҳнома» ўқир эди», Самарқанд султони Аҳмад мирзони эса «Ҳеч нарса ўқимаган, оми киши эди, шу сабабдан ихтиёри бекларининг илгида эди», деб уларнинг ҳар бирига билим савияси ва маънавиятига қараб алоҳида баҳо берган.

Бобур ўз фарзандлари, сарой аъёнлари ва беклар учун инсофу диёнатни йўқотмаслик масаласини биринчи ўринга қўйган. «Бобурнома»да султон Ҳусайн мирзонинг адолатпарварлигини, ҳар сафар ўғиллари бош кўтариб, салтанатга тажовуз қилганларида унинг барча навкарларини ўлдирганини адолатли иш қилди, «не қилсун, ҳақ анинг тарафи эди», деб баҳолайди.

Темурийлар вакиллари учун Амир Темур салтанат тимсоли, узоқни кўра олувчи сиёсатчи, моҳир лашкарбоши, ўз юртида буюк салтанат бунёд этган ҳукмдор сифатида намуна эди. Шунингдек, Алишер Навоийнинг донишманд ва адолатли шоҳ, маърифатли ҳукмдор фазилатларини белгиловчи илғор ғоялари олий мезон сифатида қаралар эди. Шоир «Хамса» асарида «Ўзи кофир бўлса ҳам, адолатли шоҳ мамлакатни гуллаб-яшнатади, золим шоҳ эса, агарчи мусулмон бўлса ҳам, мамлакатни хароб қилади», деб ёзади.

Бобур Кобул, айниқса, Ҳиндистонни қўлга киритганидан сўнг темурийларга хос улуғворлик билан бунёдкорлик ишларини давом эттиради. У шаҳарларда муҳташам қасрлар ва меъморий ёдгорликлар бунёд этиш, замонавий бино ва иншоотлар, карвонсаройлар, масжидлар қуриш, савдо-сотиқ ишларини йўлга қўйиш, ҳунармандчиликни ривожлантириш ишларига бош-қош бўлади. Асардан ҳукмдорнинг бошқалардан кўра эзгу амаллар қилиш имкони кенглиги, ундан эса юрт ободлиги ва халқ манфаати йўлида фойдаланиш лозимлигини англаб олиш мумкин.

Бобур мирзо салтанат ишларида шерикчилик бўлиши мумкин эмаслиги, бу масалада масъулият ва жавобгарлик фақат бир кишида бўлиши шартлигини бир неча бор таъкидлаган. Жумладан, султон Ҳусайн мирзонинг ўз беги билан бирор мулкка эришилса, уни шериклик асосида бўлиб олиш бўйича келишилгани хато бўлганини, султон Ҳусайн мирзонинг вафотидан сўнг унинг ўғиллари Ҳирот салтанатига баширкат подшоҳлик қилганликлари ҳам нотўғри эканини, оқибатда салтанат тез орада душман қўлига ўтиб кетганини жуда таъсирли ва кучли бир изтироб билан баён қилади.

Бобур учун салтанат улуғ камолот, аммо уни эгалламоқ ва сақлаб турмоқ учун бошқа инсоний қадриятларни поймол этиш мумкин эмас. Тожу тахт учун падаркушлик, бародаркушлик ва фарзандкушлик қилиш каби оғир жиноятлар ботқоғига ботиш гуноҳи азим. Шу сабабдан, у ўз асарида Абдуллатиф мирзо, султон Маҳмуд мирзо, Хусравшоҳ ва Хадичабегимларни шайтон васвасасига учган юзи қаро инсонлар сифатида талқин этади.

У асоссиз қирғинбаротларни, халқни беҳуда талон-торож қилишни кескин қоралайди. Бобур назарида ҳукмдорликда асосий масъулият ҳукмдор зиммасида бўлмоғи, ҳар бир ҳукм унинг номидан чиқмоғи, беклар эса ижро этмоғи лозим. Зеро, давлатчиликнинг асосий тамойили ҳам шу. Шайбонийхон султон Али мирзо ва унинг диний раҳнамоси ўлдирилганини ўз бўйнига олмай, беклари бошига қўйганини қаттиқ қоралаб, «Беклар ўз хонлари билан маслаҳатлашмай бундай ишларни қилсалар, хонликка не эътибор қолиши мумкин», деб кесатади.

Бобур ўз асарида халқ бор экан, салтанат ва ҳукмдорлик ҳам бор, аммо инсонлар қайси мансаб ёки даражада бўлишларидан қатъи назар, ўзаро инсоний муносабат ва қадриятларни ёдда тутмоғи, ҳурмат-иззат, урф-одат ва анъаналарни қадрламоғи лозимлигига алоҳида урғу беради. Шу муносабат билан Самарқанд ҳукмдори султон Аҳмад мирзонинг бекларидан бири Абдулали тархон ўзидан кўра ёши улуғ ва юртга хизмати сингган кишиларни ҳам кўзга илмас, уларнинг ҳурматини жойига қўймас эди, деб таъкидлайди.

Ҳукмдор учун кечиримлилик муҳим масала. Бобур мирзо кечиримли ва бағрикенг инсон бўлган эди. Масалан, Бобур Ҳиротга кетиб, то Кобулга қайтиб келгунига қадар поччаси Мирзохон Кобул салтанатини хиёнаткорона эгаллаб олган бўлса-да, уни кечириб, Хуросонга чиқиб кетишига розилик беради. Шунингдек, укаси ва яқин қариндошлари томонидан турли хиёнатлар содир этилганида уларни аввалига Кобулга ва ундан кейин ўзи билан бирга Ҳиндистонга олиб кетади. Уларни тарбиялайди, вояга етказади.

Бобур мусулмон подшоҳ эди. Даврнинг эврилишлари унга бутунлай ўзга юрт, ўзга миллат ва тамомила бошқа дин ва расм-русумларга амал қилувчи ниҳоятда улкан ҳудудда салтанат тебратишни тақдир қилди. Шу шароитда ўзи, сарой аъёнлари, бек ва ҳокимлари, суворийлари ва лашкарларининг аксарияти эътиқод қилган ислом динини авайлаб-асраш ва ривожлантириш билан бирга, миллатлараро тотувлик ҳамда диний бағрикенгликни таъминлашдек ғоят мураккаб ва ўта нозик вазифани ҳам шараф билан уддалай олди.

У ҳинд юрти ҳукмдори сифатида сиёсий вазиятни барқарорлаштириш, бутун ҳинд ҳудудини ягона байроқ остида бирлаштириш, турли дин ва миллатлар вакиллари ўртасида низо-адоватлар қўзғалмаслиги, ҳинд халқининг шаъни ва қадриятларини ҳурмат қилиш учун адолат ва тинчлик ҳукм сурадиган тартибларни жорий этишни асосий вазифаси деб билди.

Бобур давлатни адолат ва қилич билан бошқарди, аммо салтанат манфаати йўлида лашкарбоши ва бекларига озор бермаслик, кўнглини оғритмасликка ҳаракат қилди. Мамлакати улкан сарҳадларга ёйилиб кетганидан фахрланиб, фарзандларини юртни тинч ва осойишта сақлаш йўлида аҳил ва бирдам бўлишга чорлади. Шу сабабдан ҳам, Бобурийлар сулоласи Ҳиндистон тарихининг энг муҳим даврига айланган бўлса, ажаб эмас.



**Муҳаммадқосим ОЛИМОВ,**
*Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Бухоро вилояти кенгаши раиси*



Эъзоза УМУРЗОҚОВА (фото)

# «ОЛТИН ҚАЛАМЛИ ЖУРНАЛИСТЛАР»

## ёхуд журналистика ривожланган Канадада ҳам чиқмаган китоб

**Китобни танлаб ўқиган маъқул. Ўртамиёна муаллифларнинг асарлари ўз номи билан ўртамиёна бўлади. Катта ҳаёт тажрибасига эга, ўз ишининг устаси бўлган инсонларнинг айтар сўзидан ҳам, ёзганларидан ҳам кўп нарсаларни ўрганиш мумкин. Энди ана шундай инсонлар ичидан ҳам танлаб, саралаб олинган ижодкорларнинг асарлари, мақолалари ўрин олган китоб бўлса-чи, бунга нима дейсиз?**

Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида Ўзбекистон журналистлар уюшмаси томонидан чоп этилган «Олтин қаламли журналистлар» китобининг тақдимоти бўлиб ўтди. Уюшма томонидан минг нусхада чоп этилган мазкур китобга 50 нафарга яқин устоз журналистнинг соҳада камайиб бораётган жанрлар – публицистика, журналистик суриштирув, очерк, фельетон каби 8 та жанр бўйича энг сара материаллари киритилган. Шунингдек, китобдан 9 нафар маҳоратли фотожурналистнинг 70 га яқин суратлари ҳам ўрин олган.

Эътиборлиси, улар орасида ўз тажрибасини ёшларга улашиб келаётган Ҳусниддин Ато ва унинг истеъдодли шогирдлари – Холида Мусурмон ва Эъзоза Умурзоқова каби ёш фотосуратчиларнинг ижодий ишларини ҳам кўриш мумкин.

Китобнинг номидан келиб чиқиб, унга фақатгина «Олтин қалам» халқаро миллий мукофоти танлови ғолибларининг ижодий ишлари киритилганми, деган савол туғилиши мумкин. Йўқ, китобда мазкур танловда ғолиб бўлмаган журналистларнинг ҳам ижод намуналари киритилган.

Китоб билан танишар эканмиз, публицистика жанрида Карим Баҳриевнинг «Мен нега Шавкат Мирзиёевга овоз бердим», памфлет жанрида Нурилло Остоннинг «Ҳайдалиш куйи», фельетон жанрида Ҳабиб Темировнинг «Мажлисда ухлаш оқибати», Рўзимбой Ҳасаннинг «Қоравой куёв», Ўроз Ҳайдарнинг «Мих қоққудек эркак йўқ» сарлавҳали мақолаларини ўқиб, уларнинг ҳар бири зийрак нигоҳ ва ўткир тил билан ёзилганига гувоҳ бўлдик. Очерк жанридаги «Биринчи сабоқ» (Аҳмаджон Мелибоев), «Шамси Назаров ким бўлган эди?» (Фармон Тошев), «Ўз ўрнидаги одам» (Олим Хўжаев), «Бокудан Бокуга» (Маматқул Ҳазратқулов), журналистик суриштирув йўналишидаги «Муаммонинг илдизи қаерда?» (Муҳаммаджон Обидов), «Прокурорни қандай қўлга туширишди?» (Исмат Хушев), «Таназзул» (Ҳалим Сайид), «Ойни этак билан ёпмоқчимисиз?» (Алиқул Хонимқулов) каби ижодий ишларда эса муаллифларнинг катта қалби, жонкуярлиги ва ўткир қаламини ҳис қиласиз. Шу маънода айтиш мумкинки, бу тўплам бўлажак журналистлардан тортиб, фаолиятини давом эттираётган ҳамкасбларимизга ҳам фойдали ва керакли манба бўлган.

Тадбирда кўпчилик сўзга чиқди. Улардан бири моҳир адиб, публицист ва журналист Хуршид Дўстмуҳаммад бугунги журналистикадаги ҳолат ҳақида, хусусан, сўз масъулиятини ҳис қилмайдиган, мавзуни ҳар томонлама холис ўрганмасдан туриб, жар солаётганлар ҳам журналистликка даъвогарлик қилаётганини, ачинарлиси, уларни ёш авлод «маҳоратли журналист» деб ўйлаётганини таъкидлади.

– Демак, шундай вазиятда ҳар тарафлама маҳорат билан ёзилган суҳбат, эссе, бадиа, очерк, фельетон, памфлет, журналистик суриштирув каби жанрлардаги асарларни омма орасида кўпроқ тарғиб қилишимиз, ўқишимиз зарур. Энг сара журналистик ишлар жамланмаси бўлган бундай китоб ҳозир дунёнинг ҳеч бир давлатида чиқаётгани йўқ, назаримда. Керак бўлса, журналистика ривожланган Канадада ҳам, – дея қўшимча қилди Хуршид Дўстмуҳаммад.

Тадбир якунида тақдимотга келган барча меҳмонларга янги тўплам совға қилинди. Уюшма раиси в.б. Холмурод Салимов ҳар йили «Олтин қаламли журналистлар» серияси остида китоб нашр этилишини эслатиб ўтди.



**Зебо НАМОЗОВА**
*«ISHONCH»*

**MUASSIS:**
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalari tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV (tahrir hay'ati raisi),
Ulug'bek JALMENOV,
Anvar ABDUMUXTOROV,
Sayfullo AHMEDOV,
Akmal SAIDOV,
Ravshan BEDILOV,
Qutlimurot SOBIROV,
Suhrob RAFIQOV,
Shoqosim SHOISLOMOV,
Hamidulla PIRIMQULOV,
Nodira G'OYIBNAZAROVA,
Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari),
Mehriddin SHUKUROV (Mas'ul kotib – «Ishonch»),
Valentina MARSENYAK (Mas'ul kotib – «Ishonch-Доверие»)

Bosh muharrir
**Husan ERMATOV**

**Bo'limlar:**
Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43
Marketing va obuna – (71) 256-87-73

**Hududlardagi muxbirlar:**
**Qoraqalpog'iston Respublikasi** – (+998-99) 889-98-20
**Andijon viloyati** – (+998-99) 889-90-23
**Buxoro viloyati** – (+998-99) 889-90-31
**Navoiy viloyati** – (+998-90) 500-05-12
**Jizzax viloyati** – (+998-99) 889-90-34
**Namangan viloyati** – (+998-93) 213-09-66
**Samarqand viloyati** – (+998-99) 889-90-26
**Sirdaryo viloyati** – (+998-99) 889-98-55
**Surxondaryo viloyati** – (+998-90) 379-19-70
**Toshkent viloyati** – (+998-99) 600-40-44
**Farg'ona viloyati** – (+998-99) 889-90-24
**Xorazm viloyati** – (+998-99) 889-98-01
**Qashqadaryo viloyati** – (+998-97) 705-08-93

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.
**Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.**

**Navbatchi muharrir:** G'. Mirahmedov
**Musahhihlar:** D. Xudoyberganova, D. Ravshanova
**Sahifalovchi:** H. Abdujalilov

**Bosishga topshirish vaqti** – 01:00
**Topshirildi** – 01:20

**Bahosi kelishilgan narxda**

**Manzilimiz:** 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy.
**E-mail:** ishonch1991@yandex.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Nashr ko'rsatkichi: **133**

**Umumiy adadi 32 427 та**

**Shundan:**
**6 246 nusxasi** «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi – Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda;
**18 273 nusxasi** «Erudit» MCHJ bosmaxonasi – Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda;
**7 908 nusxasi** «Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi – Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda **chop etildi.**

**Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига босмахона масъул.**

**Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.**

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
**Buyurtma G-211**

1 2 3 4 5 6

Азиз газетхон!
Мароқли дам олинг!



*Эй гўзал, номинг на деб, бердим савол индамади,*
*Маҳлиё этди тамом офтобжамол, индамади.*
*Боғида танҳо ўзи гулми терар тонг чоғида?*
*Гулдайин кулган чирой бўлдими лол, индамади?*

*Неъматжон Қулабдуллаев ижросида*
*«Индамади» қўшиғи*
Пўлат Мўмин шеъри